



“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Судьялар олий кенгаши раиси
Х.Ёдгоров

2026 йил 5 январь

**Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг 2026 йилнинг 1-ярмига мўлжалланган
ИШ РЕЖАСИ**

№	Устувор йўналишлар, мақсадлар ва вазифалар	Амалга ошириш Механизмлари	Амалга ошириш шакли	Муддати	Масъул ижрочилари
1.	Суд ҳокимияти мустақиллигини ва судьялар дахлсизлигини таъминлаш, одил судловни амалга оширишга тўсқинлик қилаётган омиллар ва тизимда коррупцияга қарши курашиш ҳолати юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентига йил якунлари бўйича ахборот тайёрлаш	1. Кенгашнинг 2025 йил якуни бўйича фаолияти юзасидан таҳлилий маълумотнома тайёрлаш. 2. Кенгашнинг 2025 йилдаги фаолияти тўғрисида Ахборотнома тайёрлаш ва нашриётдан журнал шаклида чоп этиш. 3. Ахборотномани Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига юбориш.	Таҳлилий маълумотнома, Ахборотнома	2026 йил январь	А.Хамраев Х.Садиков
2.	Судьяларнинг фаолиятини рағбатлантириш	1. Рейтинг кўрсаткичи юқори бўлган судьялар орасидан “Ибратли судья” мукофоти билан тақдирлаш учун номзодлар рўйхатини шакллантириш. 2. Тақдирлаш учун номзодлар фаолиятини таҳлил қилиш ҳамда Кенгаш мажлисида муҳокама қилиш. 3. Тақдирланганларга мукофотни тантанали тарзда топшириш. 4. Мукофот билан тақдирланган судьялар фаолияти тўғрисида кўрсатув ва видео роликларни оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда намойиш этиш.	Кенгаш қарори, Амалий тадбирлар	2026 йил январь	Н.Бобохонова А.Хамраев Х.Камолов Х.Садиков
3.	Аёл судьялар конференцияси доирасида Халқаро аёл судьялар кунини нишонлаш	1. Ташаббускор аёл судьялар йиғилишини ўтказиш. 2. Аёл судьялар конференциясини ўтказиш. 2.1. Мехмонларни кутиб олиш. 2.2. Конференцияни оммавий ахборот воситалари орқали ёритиш.	Алоҳида режа асосида	2026 йил январь-март	Н.Бобохонова Г.Зиганшина А.Хамраев
4.	Судьяларни навбатдаги ўн йиллик муддатга тайинлаш (сайлаш) тартибини бекор қилиш ҳамда судьялик лавозимларига номзодларни дастлаб беш йил муддатга, кейинчалик муддатсиз даврга тайинлаш (сайлаш) тартибини жорий этиш, шунингдек, Кенгаш ва Судьялар олий малака ҳайъатининг қўшма	1. Судьяларни навбатдаги ўн йиллик муддатга тайинлаш (сайлаш) тартибини бекор қилиш ҳамда судьялик лавозимларига номзодларни дастлаб беш йил муддатга, кейинчалик муддатсиз даврга тайинлаш (сайлаш) тартибини жорий этиш, шунингдек, Кенгаш ва Судьялар олий малака ҳайъатининг қўшма йиғилишларини ўтказиш тартибини бекор қилиш тўғрисида Қонун лойиҳасини тайёрлаш.	Қонун лойиҳаси	2026 йил январь	Н.Бобохонова Б.Сабиров О.Мирзамахмудов С.Холбоев

	йиғилишларини ўтказиш тартибини бекор қилиш	<p>2. Тайёрланган Қонун лойиҳасини муҳокама ва келишиш учун тегишли давлат органларига киритиш.</p> <p>3. Киритилганлиги ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот бериш.</p>			
5.	Одил судлов Академиясининг магистратура мутахассислиги номи ва шифрини “Олий таълимнинг Давлат таълим стандартлари. Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлар классификатори”га киритиш	<p>1. Одил судлов Академиясининг магистратура мутахассислиги номи ва шифрини Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан тасдиқланадиган “Олий таълимнинг Давлат таълим стандартлари. Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлар классификатори”га киритиш тўғрисида ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш.</p> <p>2. Тайёрланган ҳужжат лойиҳасини Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига киритиш.</p>	Идоравий ҳужжат лойиҳаси	2026 йил февраль	А.Хамраев Ш.Абдуқодиров Д.Арипов
6.	Кенгашнинг доимий ва жамоатчилик асосида фаолият юритувчи аъзолари лавозимига номзодларни тавсия этишнинг аниқ тартибини белгилаш	<p>1. Кенгашнинг доимий ва жамоатчилик асосида фаолият юритувчи аъзолари лавозимига номзодларни тавсия этишнинг аниқ тартибини белгилаш ҳақида норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Тайёрланган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини муҳокама ва келишиш учун тегишли давлат органларига киритиш.</p> <p>3. Киритилганлиги ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот бериш.</p>	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2026 йил февраль	А.Жалилов А.Хамраев С.Холбоев Н.Бобохонова
7.	Кенгаш таркибида суд тизимининг барча бўғинлари вакиллигини таъминлаш, судьянинг касбий фаолиятини баҳолашда «ҳалоллик», «касбий лаёқатлилик» ва «судьялик одоби қоидаларига риоя этиш» мезонларининг аниқ талабларини қонун даражасида белгилаш, шунингдек, судьяларнинг малака ҳайъатлари қарорларини қайта кўриб чиқиш тартибини такомиллаштириш	<p>1. Кенгаш таркибида суд тизимининг барча бўғинлари вакиллигини таъминлаш, судьянинг касбий фаолиятини баҳолашда «ҳалоллик», «касбий лаёқатлилик» ва «судьялик одоби қоидаларига риоя этиш» мезонларининг аниқ талабларини қонун даражасида белгилаш, шунингдек, судьяларнинг малака ҳайъатлари қарорларини қайта кўриб чиқиш тартибини такомиллаштириш ҳақида Қонун лойиҳасини тайёрлаш.</p> <p>2. Тайёрланган Қонун лойиҳасини муҳокама ва келишиш учун тегишли давлат органларига киритиш.</p> <p>3. Киритилганлиги ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот бериш.</p>	Қонун лойиҳаси	2026 йил февраль	А.Жалилов Н.Бобохонова Д.Арипов
8.	Суд мустақиллиги кафолатларини кучайтириш, Кенгаш аъзоларининг суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш борасидаги фаолиятига аралашганлик учун жиноий жавобгарлик чораларини белгилаш, шунингдек, судьялар ва суд ходимлари кунини белгилаш	<p>1. Адолатсиз ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарор чиқарганлик учун жавобгарликни белгиловчи қонунчилик нормаларини суд мустақиллигига оид халқаро стандартлар асосида кўриб чиқиш.</p> <p>2. Кенгаш аъзоларининг суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш борасидаги фаолиятига аралашганлик учун жиноий жавобгарлик чораларини белгилаш.</p> <p>3. Судьялар ва суд ходимлари кунини белгилаш.</p>	Таҳлилий маълумотнома	2026 йил февраль	А.Жалилов М.Қаландарова Б.Сабиров

9.	Вилоят ва унга тенглаштирилган судлар раислари ва раис ўринбосарлари фаолиятини самарадорлигини ошириш	<p>1. Вилоят ва унга тенглаштирилган судлар раислари учун икки кунлик малака ошириш курслари.</p> <p>2. Вилоят ва унга тенглаштирилган судлар раислари ўринбосарлари учун уч кунлик малака ошириш курслари.</p> <p>3. Малака ошириш курсларида судлар фаолиятини самарали ташкил этиш, тизимда коррупциянинг олдини олиш самарадорлигини янада ошириш ҳамда судьялар томонидан қонуний, асосли ва адолатли қарорлар қабул қилиш орқали жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, бу жарёндаги муаммолар ва уларнинг ечимлари хусусида ўзаро фикр алмашиш.</p>	Ташкилий чора-тадбирлар	2026 йил февраль	А.Хамраев Ш.Абдуқодиров
10.	Ҳудудларда судьяларни мажбурий тартибда вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказларида чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказиш ҳамда судьяларни чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтиш тартибини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш	<p>1. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ёрдамида ҳудудлардаги вилоят марказий шифохоналари қошидаги кўп тармоқли поликлиникаларда барча судьяларни тиббий текширувдан ўтказиш ҳамда уларнинг соғлигини тиклаш чораларини кўриш.</p> <p>2. Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда судьяларни чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтиш тартибини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p>	Ташкилий чора-тадбирлар	2026 йил март	А.Жалилов В.Файзуллаев
11.	Суд тизимида камида беш йиллик меҳнат тажрибаси ва илмий салоҳиятга эга судьяларни икки ўқув йили муддатига Одил судлов академиясига профессор-ўқитувчи лавозимига жалб этиш тартибини жорий этиш	<p>1. Суд тизимида камида беш йиллик меҳнат тажрибаси ва илмий салоҳиятга эга судьяларни икки ўқув йили муддатига Одил судлов академиясига профессор-ўқитувчи лавозимига жалб этиш тартиби ҳақида ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Тайёрланган ҳужжат лойиҳасини тасдиқлаш учун Кенгаш муҳокамасига киритиш.</p>	Идоравий ҳужжат лойиҳаси	2026 йил март	А.Жалилов Д.Арипов
12.	Судьяга нисбатан интизомий жазо қўллашнинг шаффоф ва адолатли тизимини жорий этиш. Бунда: (а) судьяга нисбатан интизомий иш кўриб чиқишда унинг ҳимояга бўлган ҳуқуқини тақдим этиш; (б) қуйи судьялик лавозимига ўтказиш интизомий жазо чорасини жорий этиш; (в) интизомий жазо амалда бўлган вақтда юқори судьялик лавозимига тавсия этилмаслик; (г) судьяни интизомий жавобгарликка тортиш асосларининг аниқ мезонларини белгилаш.	<p>1. “Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисида”ги Низомни янги таҳрирда қабул қилиш.</p> <p>2. “Судьяни интизомий жавобгарликка тортиш масаласини кўриб чиқиш тартиби тўғрисида”ги Низомни янги таҳрирда қабул қилиш.</p> <p>3. Судьяни интизомий жавобгарликка тортиш масаласини кўриб чиқиш тартиби юзасидан малака ҳайъатлари учун қўлланма тайёрлаш.</p>	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси, Идоравий ҳужжат лойиҳаси, Қўлланма	2026 йил март-апрель	А.Жалилов О.Мирзамахмудов М.Кукиев А.Хамраев Н.Бобохонова

13.	Байрам арафасида аёл судьялар ҳамда бир гуруҳ суд фахрийларини тақдирлаш	1. Байрам арафасида аёл судьялар ҳамда бир гуруҳ суд фахрийларини эсталик совғалар, ташаккурнома ҳамда “Суд фахрийси” кўкрак нишони билан тақдирлаш. 2. Байрам арафасида тантали тақдирлаш маросимини ўтказиш.	Кенгаш қарори лойиҳаси	2026 йил март, май	Г.Зиганшина Х.Садиков
14.	“Ибрат мактаби” туркумидаги навбатдаги китоб ва фото-альбомини тайёрлаш	1. Суд фахрийлари Ф.Мухитдинова ва Р.Махмудованинг ҳаёти ва меҳнат фаолияти тўғрисида китобларни тайёрлаш ва нашр этиш. 2. Китобларнинг тақдимотини ўтказиш.	Китоб	2026 йил март-июнь	Т.Акбаров А.Эшмуродов
15.	“Рақамли ҳукумат” тизими Идоралараро интеграциялашув платформасида мавжуд маълумотларни Кенгашнинг ахборот тизими билан тўлиқ интеграция қилиш, шунингдек, судьялар фаолияти самарадорлигини сунъий интеллект ёрдамида баҳолашни йўлга қўйиш	1. “Рақамли ҳукумат” тизими Идоралараро интеграциялашув платформасида мавжуд маълумотларни Кенгашнинг ахборот тизими билан тўлиқ интеграция қилиш чорасини амалга ошириш. 2. Судьялар фаолияти самарадорлигини сунъий интеллект ёрдамида баҳолашни йўлга қўйиш юзасидан чора-тадбирлар белгилаш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2026 йил апрель	Х.Садиков Р.Назаров
16.	Амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳамда янги методика ва тактикалар асосида янги авлод дарсликлари, ўқув ва ўқув-амалий қўлланмаларни тайёрлаш	1. Амалга оширилаётган ислоҳотлар юзасидан ўқув ва ўқув-амалий қўлланмаларни тайёрлаш. 2. Янги ўқув методика ва тактикалар асосида янги авлод дарсликларини тайёрлаш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2026 йил апрель	А.Хамраев Академия
17.	Судьялик лавозимига номзодлар ва судьяларнинг психологик портрети бўйича судьянинг касбига муносиблигини баҳолашга кўмаклашувчи электрон дастурни такомиллаштириш	1. Судьялик лавозимига номзодлар ва судьяларнинг психологик портрети бўйича судьянинг касбига муносиблигини баҳолашга кўмаклашувчи электрон дастурни такомиллаштириш чорасини амалга ошириш. 2. Такومиллаштирилган “Электрон дастурнинг” тақдимотини ўтказиш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2026 йил май	Х.Садиков Д.Исраилов Ш.Хақназаров
18.	“Судья маънавияти, одоби ва масъулияти” китобининг тўлдирилган иккинчи нашрини тайёрлаш	1. “Судья маънавияти, одоби ва масъулияти” китобининг тўлдирилган иккинчи нашрини тайёрлаш бўйича ижодий гуруҳ таркибини шакллантириш. 2. “Судья маънавияти, одоби ва масъулияти” китобини қўшимча маълумот ва манбалар билан тўлдириш ва чоп этиш.	Китоб	2026 йил май	А.Жалилов
19.	Туркий давлатлар ташкилотига аъзо давлатлар Судьялар кенгашларининг тўртинчи йиғилишини Самарқанд шаҳрида ўтказиш	1. Меҳмонларни кўтиб олиш ва меҳмонхоналарга жойлаштириш бўйича масъулларни белгилаш. 2. Тадбирни юқори даражада ўтказиш ва оммавий ахборот воситаларида ёритиш.	Алоҳида режа асосида	2026 йил май	А.Жалилов Х.Садиков А.Хамраев
20.	Суд тизимида коррупциянинг олдини олиш	1. Коррупциянинг барча кўринишларига муросасиз муносабатни шакллантириш юзасидан онлайн ўқув курсларини ташкил этиш.	Амалий чора-тадбирлар, Таҳлилий маълумотнома	Доимий равишда 2026 йил	Т.Буваев Ш.Абдуқодиров Инспекция судьялари

		<p>2. Судьялар билан профилактик суҳбат ўтказиш ва коррупция ҳолатлари содир этилганда, хизмат текшируви ўтказиш орқали келиб чиқишига шароит яратаётган омилларни аниқлаш ва тегишли таклифлар тайёрлаш.</p> <p>3. Судларда манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари ўрганиш.</p> <p>4. Судьялар ва суд ходимларига манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш юзасидан қонунчиликка мувофиқ тушунтириш ишларини амалга ошириш.</p> <p>5. Суд тизимида коррупциянинг олдини олиш бўйича амалдаги қонунчиликка хорижий тажриба асосида таклифлар ишлаб чиқиш.</p>		июнь	А.Ядгаров
21.	Олий малака ҳайъати ва ҳудудий судьялар малака ҳайъатлари ҳамда Судьялар одоб комиссиялари фаолиятини ўрганиш, Судьялар малака ҳайъатларининг янги тайинланган аъзоларини Одил судлов академиясининг қисқа муддатли курсларида ўқитиш амалиётини йўлга қўйиш	<p>1. Малака ҳайъатлари, шунингдек, Судьялар одоб комиссиялари фаолиятини ўрганиш юзасидан график-режасини ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Ўрганиш натижаларини Кенгаш мажлиси муҳокамасига киритиш.</p> <p>3. Аниқланган камчиликлар юзасидан ўқув-семинар машғулотларини ўтказиш ҳамда Судьялар малака ҳайъатларининг янги тайинланган аъзоларини Одил судлов академиясининг қисқа муддатли курсларида ўқитиш.</p>	График-режа, текшириш маълумотномаси, ташкилий чора-тадбир	2026 йил июнь	Н.Бобохонова А.Хамраев
22.	Судьянинг мол-мулки бўйича декларация қилиш тартибини ишлаб чиқиш	<p>1. Судьянинг мол-мулки бўйича декларация қилиш тартиби ҳақида ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Тайёрланган ҳужжат лойиҳасини тасдиқлаш учун Кенгаш муҳокамасига киритиш.</p>	Идоравий ҳужжат лойиҳаси	2026 йил июнь	Т.Буваев А.Ядгаров Х.Садиков